



## ЎЗБЕКИСТОНДА ТЕАТР ВУЖУДГА КЕЛИШИ: ТАРИХИЙ ТАЛҚИН

Хасанова Халида Фаттаевна

Бухоро давлат университети ўқитувчиси (Ўзбекистон, Бухоро)

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6612801>

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Ўзбекистонда театр санатининг вужудга келиши, фаолияти ва ривожлвниш тенденцияси адабиётларда келтирилган маълумотлар асосида илмий таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** Ўзбекистон, санъат, театр, улуғлар мактаби, пьеса.

### АННОТАЦИЯ

В данной статье проводится научный анализ возникновения, деятельности и тенденций развития театрального искусства в Узбекистане на основе сведений, представленных в литературе.

**Ключевые слова:** Узбекистан, искусство, театр, школа старейшин, песа.

### ANNOTATION

This article provides a scientific analysis of the emergence, activities and development trends of theatrical art in Uzbekistan on the basis of information provided in the literature.

**Keywords:** Uzbekistan, art, theater, school of elders, pesa.

### КИРИШ

Ўзбек миллий маънавияти тарихида театр санъатини ўрни ва роли бениҳоя катта. Бизнинг театр санъатимиз тарихан жуда катта йўлни босиб ўтган бўлиб, унинг қадимий илдизлари халқ үйинларига ва томошаларига бориб боғланади. Лекин XX асрга келиб ўзбек театр санъати янгидан юртимиз ва жаҳон миқёсида шаклланган, даврлар синовидан



ўтиб кетаётган анъана ва тажрибалар асосида вужудга келган ва қачон ташкил топганини эътироф этиш зарур.

### АСОСИЙ ҚИСМ

Маълумки, театр санъатидан муттасил баҳраманд бўлган киши одобли, камтар, нозиктаъб, ҳис - ҳаяжонли, сезгир, хушмуомала, мулоҳазали бўлади. Шу билан бир қаторда унинг маърифий хизмати ҳам катта[1]. Театр тарихи жуда қадимий ва бой бўлиб, унинг дастлабки қўринишлари ибтидоий жамоа давридаёқ юзага келган. Театр санъати ва бошқа моҳият жарёни акс этган тақлидий воқеалар, жанговар ва халқ ўйинлари, табиат кучларига таяниш оқибатида юзага келган маросимлар шаклида намоён бўлган. Тадқиқотчилар томонидан кўпгина сой ва ғорлардан топилган қоятош тасвирлардан маълум бўлишича, театр унсурлари тобора мураккаблаша бориб, табиатга, қуш ва ҳайвонларга, руҳларга бўлган ишонч - эътиқодлар, зардӯштийликдан келиб чиқадиган турли урф - одатлар, маросимлар билан чатишиб кетиб, асрлар оша ўзига хос томоша санъатини вужудга келтирган. Олимларнинг тахмин қили-шича, милоддан аввалги VII-VI асрлардаёқ Туронда зардӯштийлик ва унинг муқаддас китоби "Авесто" билан алоқадор икки тоифа - кулгили ва қайгули томошалар шаклланган. Сиёвуш афсонавий илоҳий тимсолга айлантирилиб, унга театр санъатининг тури сифатида эътиқод қилинган. Юнонларнинг Дионис маъбуди ва у билан боғлиқ комедия ва трагедия томошалари ичидан таъсир-ланган ҳолда келган. Александр Македонский босиб олган ерларда маҳсус шаҳарлар қуриб, юонон маданияти, жумладан театр санъатини тарихий қилишга киришади. Санъатни эллинлаштириш Александр Македонскийдан кейин ҳам давом эттирилган. Шунга қарамай, юонон маданияти маҳсус шаҳарлар ичидагина қолиб, атрофидаги маҳаллий халқлар маданиятига деярли таъсир кўрсат-маган. Хоразм, Сўғдиёна, Фарғона ҳудудларида театр санъати анъанавий шаклларда ривожланди. Чунончи, ўз вақтида Хоразм пойтахти бўлган Тупроққалъадан топилган сўзаналар, ниқобларда рақсга тушётган раққослар, ниқобли кулгисоз тасвирлари маълум даражада зардӯштийлик ва унинг тимсоллари билан боғлиқ саҳна санъати гуркираб ривожланганини кўрсатади[2]. Ўзбекистоннинг қади-мий



худудида икки ярим - уч минг йиллик театр тарихи мавжуд бўлиб, у “театр” дейилмаган, ўрта асрларда “ўйин”, “томуша” атамалари кенг қўлланилган.

VIII-XIX асрларда Ўзбекистон худудида театрнинг уч тури фаолият кўр-сатган: анъанавий кулгу театри (улар “масхара”, “тақлид” деб аталган), анъана-вий ҳикоя театри (ёки “қиссаҳонлик”), анъанавий қўғирчоқ театри (“чодир жамол”, “чодир хаёл” деб аталган). Бундай ўзига хос анъанавий театрлар кўр-сатган томошалардан аҳолини барча қатламлари, шу жумладан болалар ҳам баҳраманд бўлганлар. Зеро, баъзи хилват базмлар, ҳамкасларнинг йиғинлари-ни ҳисобга олмагандан, томошалар ёш - қари, эркак -аёл, барчага баробар эди[3].

XIX асрнинг иккинчи ярмида бир нечта шаҳарларда созанда ва ўйинчилар ўртасида касабаларга уюшиш ҳаракати янада кучаяди. Қўқонда Зокир Эшон (30 га яқин қизиқчи), Бухорода Тўла масхара (20 га якин масхарабоз уюшган) тўдалари шухрат қозонган. Ўнлаб янги томошалар яратилган. Қўғирчоқ ўйини марказида Полвон Каган образи турган. Қўқон, Самарқанд, Бухоро, Марғилон, Хива, Урганч каби шаҳарларда ҳам санъат билан шуғулланувчи аёллар тўдалари фаолият олиб борган. Россия мустам-лакачилиги даврида Туркистон ўлкасига 43 ғоявий эстетик хусусиятлари билан маҳаллий анъанавий театрдан фарқ қилувчи рус, кейинрок татар, озарбайжон театр тўдалари кириб кела бошлади. “Туркистанские ведомости” газетаси ёзишича, рус архитектори С.В. Леханов, унинг хотини М.Г. Леханова ва Н.Ф. Ульяновлар илк маротаба Тошкентда 1867 йили ҳаваскорлар драма тўғарагини ташкил этганлар[4]. Кейинроқ, 1876 йили Самарқандда мусиқалий драма тўғараги, 1890 йилда эса ҳаваскорлик жамияти тузилади. Қўқон хонлиги тугатилиши билан эса Қўқон шаҳрида ҳам драматик санъат ҳаваскорлари тўғараги ташкил этилади. Бу тўғараклар қисқа фурсатда рус ва Европа драматургиясининг мумтоз намуналарини саҳналаштиради. Жумладан, Тошкент тўғараги А.Н. Островский асарларини, самарқандлик ҳаваскорлар эса А.Н. Островский асарлари қатори Л.Н. Толстой пьесаларини ҳам саҳналаштирилган[6]. 1911 йилда дастлабки ёзма миллий саҳна асарлари яратилди. Ўзбек янги театри тарихини ўрганган Б.О. Пестовский “Инқилоб” журналининг бир неча сонларида ёълон қилинган мақоласида “Қорақўл” шаҳрига яқин қишлоқда 1909 йилда “ўзбек театри



ўйналди” деган хабар берганлигини қайд этади. 1910 йил январь ойида “Туркистон вилояти газети”нинг навбатдаги сонларидан бирида “Тез фурсатда Тошкент шаҳрида театр, яъни “муқаллид” ўйнар эканлар”, деган хабар ҳам берилган[6].

1911 йилда “Туркистон вилоятиинг газети” саҳифаларида 9 марта Самарқандда биринчи маротаба “мусулмонча” театр ўйналганлиги Маҳмуд-хўжа Беҳбудий томонидан ҳабар қилинган. Томошада кавказлиқ, маҳаллий ҳамда татар мусулмонлари, шунингдек, арман эркак ва аёллардан иборат даста иштирок этиб, ундан олинган фойдани (300 сўм) Самарқанддаги мусулмон қироатхонаси, усули жадид мактаби ва Еттисув зилзиласидан зарар кўрганларга тақсим қилиб бериш кўзда тутилганлиги маълум қилинган. Шунингдек, матбуотда миллий театр учун ёзилган дастлабки асар ҳақида ҳам фикрлар берилган. Масалан, Ҳожи Муин 1912 йилда Беҳбудийнинг саҳна асарида Туркистон ҳаётидан олинган воқеалар акс эттирилганлигини таъкидлайди ва ундан мазкур асар нашр этилмасдан, қўллэзма ҳолатида қўлма - қўл бўлиб кетганлиги маълум бўлади[7].

Театр жадидлар талқинича, дейди Ш.Ризаев, - аввало “улуғлар мактаби”, “ибратхона” бўлиб, худди мактаб ва матбуот каби маърифат, илм олмоқ ғоясини тарғиб этиши кўзда тутилган эди[8]. 1914 йилда Самарқандда Беҳбудий бошчилигига ташкил топган биринчи ўзбек ҳаваскорлик театр гуруҳи ҳам “Падаркуш” спектакли билан ўз фаолиятини бошлаган[10]. Шу йил Тошкентда Абдулла Авлоний тузган театр тўдаси ҳам “Падаркуш” билан иш бошлаган 1916 йилдан унда Ҳамза номидаги театр (ҳозирги Миллий театр) Маннон Уйғур ва ўзбек театрини биринчи актрисаси Маъсума Қориева (Саъдия) санъатга илк қадамини ташлади. Ҳамза Ҳакимзода 1915 йилда Қўқон шаҳрида ҳаваскорлик театрига асос солди. Тўда ўз ишини “Заҳарли ҳаёт ёхуд ишқ қурбонлари” (1916 йил) спектакли билан бошлади. Л. Қаюмовнинг таъкидлашича, саҳналаштирган пьесалар орасида Гогольнинг “Ўйланиш” пьесаси ҳам бўлган[10]. 1918 йилда Ҳамза Фарғонада “Ўлка сайёр сиёсий группаси” ташкил этади. М. Қорёқубов, Е. Эгамбердиев Х. Исломов М. Кузнецовалар шу театр қалдирғочлари бўлдилар. Ўша йили Маннон Уйғур Тошкентда “Турон” жамияти қошидаги театрини тиклайди. Бу тўда кейинчалик “Ўлка” давлат намуна театрига айланди[11]. Ҳамза бошчилигидаги мазкур труппа ўлка бўйлаб қўплаб томошалар қўйиб



юрган. Бошқа вилоятларда ҳам драмтруппалар ташкил этиб, қозоқ, туркман, қирғиз, қорақалпоқ, тожик тилларида томошалар қўяди. Бироқ, у ўз труппаси билан Чоржўй, Мари, Ашхободдаги ҳарбий қисмларда, Қизил Арват, Краснаводск, Тошовуз, Хўжайли, Қўнғирот, Чимбой, Ўш ва бошқа жойларда “Заҳарли ҳаёт”, “Бой ила хизматчи”, “Туҳматчилар жазоси”, “Бурунги сайловлар”, “Фарғона фожиалари” каби асарларни намойиш этган эди[12]. О. Шарофиддинов Ҳамза ижоди ҳақида шундай деб таъкидлаб ўтади: “Ҳамзанинг “Туҳматчилар жазоси”, “Ким тўғри”, “Майсарапининг иши”, “Холисхон” каби машхур асарларини ҳам совет драматургиясининг эмас, жадид драматургиясининг наъмуналари деб қараган маъқул, чунки унда ҳам социалистик реализмни ташкил қилувчи бирон белги кўрмаймиз - драматруг ҳаёт ҳодисаларини холислик билан атрофлича тасвирлайди, зўрама - зўраки ва сунъий характерлар яратмайди, инсонни инсоний жозибадан маҳрум қилувчи синфий сифатларга ва характеристикаларга мурожат қилмайди[13]”.

Бироқ, сobiқ совет давлати ўз мафкуравий сиёсий мақсадларига етишиш ниятида маданият ва санъат хусусан театр санъатидан ҳам усталик билан фойдаланишга ҳаракат қилди. Октябрь давлат тўнтаришидан кейинги барча тадбирлар инқилобий митинглар халқ йиғилишлари театр санъати арбобларини чиқишлирасиз ўтмайди. Масалан Тошкентдаги барча оммавий тадбирлар Мулла Тўйчи Тошмуҳаммедов, Абдусоат Ваҳобов Шораҳим Шоумаров Қўқонда эса Аҳмаджон Умурзоқов, Маҳкам Ҳофиз, Андижонда Орифжон Тошматов, Ҳаит Охун, Марғилонда Юсуф Қизиқ Шакаржонов, Уста Олим Комиловларсиз ўтмасди[14]. Шунингдек, сobiқ совет ҳокимияти ўрнатилгандан сўнг Ўзбекистон ерларида оммавий инценировка ташкил қилишнинг икки хил усули вужудга келган эди. Биринчиси, Ефим Вальнийнинг агитспектаклларнинг очиқ майдонда ўтказилиши таъсири билан вужудга келган томошалар. Иккинчиси, миллий масхарабозлик санъати, яъни қизиқчиларнинг томошаларига асосланган ҳамда янги “инқилобий” театрнинг муҳим жиҳатларидан фойдаланилган Ҳамзанинг оммавий инценировкаларидан иборат бўлган эди. Айнан мана шу икки усулдан ҳам совет давлатини ташвиқот тарғибот қилишда фойдаланилган эди. 1918 йилда Фарғонада дастлабки спектаклларга “Ҳой ишчилар”, “Ҳой, ҳой отамиз!” каби қўшиқлар басталанаган эди[15]. Бу



усуллар натижасида ўлкада очиқ майдонда ўтказиладиган театрлаштирилган митинг - концертлар ва театрлаштирилган агитсудлар вужудга келди. Театрлаштирилган митинг - концертларда бадий образли сюжет, нотикларнинг нутқи, революцион қўшиклар, шеърлар ва ҳ.лар киритилди. Театрлаштирилган агитсудларда эса “янги дунёга” чорловчи ғоялар илгари сурилар, “социалистик тузумни” қуришга чақирилар эди. Бу агиттомошаларда “адвокат” ва “прокурор”, “ҳимоячи” ва “қораловчи”, “гувоҳлар” ўртасида бўлган “жанг” акс эттири-либ, охири “бош судья” қарори ва гуноҳкорни жазолаш билан тугар эди[16].

## ХУЛОСА

Умуман, ўзбек театр санъати ўзига хос мураккаб йўлни босиб ўтди. Айниқса собиқ совет давлати мафкураси ўзбек театрини мустақил ривожаланиши учун доимо тўсиқ бўлиб келди. Натижала миллий манфаатлардан йироқ бўлган театрлар ҳам саҳналаштириб борилди.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Санъатшунослик масалалари. -Тошкент, 1998. -143 б.
2. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 12 – жилд. - Тошкент, 2000. – 571 б.
3. Санъатшунослик масалалари... - 144 б.
4. Туркистанские ведомости. 1903, 23 июля
5. ЎзР МДА Р 34- фонд,1-рўйхат, 590-иш, 3-варақ
6. Ризаев Ш. Жадид маърифатчилиги ва театр. Жадидчилик: ислоҳот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. (Туркистон ва бухоро жадидчилиги тарихига чизгилар) Даврий тўплам. -№1.- Тошкент: Университет, 1999. - 119 б.
7. Шодмонова С. Туркистон тарихи - матбуот кўзгусида. - Тошкент: YANGI NASHR, 2011. - 225 б.
8. Ризаев Ш. Жадид маърифатчилиги ва театр. Жадидчилик: ислоҳот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. (Туркистон ва бухоро жадидчилиги тарихига чизгилар). Даврий тўплам. -№1... - 119 б.



9. ЎзР МДА, Р-94-фонд, 1-рўйхат, 20-иш, 97-варақ.
10. Вахидов Х. Просветительская идеология в Туркестане. ... - С. 132.
11. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. - Тошкент 2006. - 573 б.
12. Сейданов Қ. Ҳамза ва қардош халқлар адабиёти.-Тошкент:Фан,1988.-9 б.
13. Шарофиддинов О. 20-30 йиллардаги хукмрон “Мафкура” ва жадид адабиёти / Жадидчилик: ислоҳот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. - Тошкент: Университет, 1999. - 199 б.
14. Узбекский Советский театр. Книга первая - Ташкент. 1966-148 б.
15. Хамирова М. Актерское искусство узбекской музыкальной драмы. -Ташкент: Фан, 1987. - С. 9.
16. Қорабоев У. Бадий – оммавий тадбирлар. – Тошкент: Ўқитувчи, 1986. - 163-164 б.